

## IMPROVING THE SYSTEM OF TRAINING SPECIALISTS BASED ON MODERN TEACHING TECHNOLOGIES.

Zhavlieva.Sh.B

Samarkand State University, independent researcher

### Annotation

This article focuses on the technology of the education system and the integration of this system with the global education system. It is thought that a graduate of a higher education institution should have the necessary knowledge, skills and abilities, be able to carry out certain activities, independently resolve conflicts in practice, enter into relationships.

**Keywords:** education, system, process, teacher, student, upbringing, integration, information, educator, person, spirituality, technology, formation

## ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА АСОСЛАНГАН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Жавлиева.Ш.Б

Самарқанд давлат университети, мустақил тадқиқотчиси

### Аннотация

Ушбу мақолада, таълим тизimini технологиялаштириш ва бу тизим жаҳон таълим тизими билан интеграциялашувга йўналтирилган. Олий таълим муассасасини битирувчиси зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлиши, муайян фаолиятни амалга ошириши, амалий фаолиятда юзага келадиган зиддиятларни мустақил бартараф эта олиши, муносабатларга кириша олиши ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** таълим, тизим, жараён, ўқитувчи, ўқувчи, тарбия, интеграция, маълумот, педагог, шахс, маънавият, технология, шаклланиш.

### Аннотация

В данной статье основное внимание уделяется технологии системы образования и интеграции этой системы с глобальной системой образования. Считается, что выпускник вуза должен обладать необходимыми знаниями, навыками и умениями, уметь осуществлять определенную деятельность, самостоятельно разрешать конфликты на практике, вступать в отношения.

**Ключевые слова:** образование, система, процесс, учитель, ученик, воспитание, интеграция, информация, воспитатель, личность, духовность, технология, формирование.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида янгича таълим тизими ярилмоқда ва бу тизим жаҳон таълим тизими билан интеграциялашувга йўналтирилган. Бу жараён педагогика назарияси ва таълим-тарбия жараёнида эътиборга молик ўзгаришларни олиб келди. Таълим мазмуни янги процессуал кўникмалар билан бойиди, маълумотларга таяниш қобилятининг ўсиши, индивидуаллаштиришга эътибор берган ҳолда педагогик муаммолар ижодий ҳал қилинди, таълимда ёзма нутқ, телефон ва радиоалоқа ўз ўрнини замонавий компьютер воситаларига бўшатиб берди, глобал масштабдаги телекоммуникация тармоқларидан фойдаланилмоқда. Олий таълим муассасалари, мактаб ва оиладаги таълим омиллари янада интеграциялашуви кузатилмоқда. Педагогик жараённинг муҳим таркибий қисми шахсга йўналтирилган, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг

ўзаро ҳамкорлигига асосланиб, бунда шахснинг маънавий камолоти ва қиёфаси шаклланишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзида шахснинг табиат ва инсонни яхлитликда англаш, авторитар услуб ва мифологик фикрлашдан кечиш, сабр-бардош, компромисга мойиллик, ўзгалар фикрига, маданиятига, қадриятларига ҳурмат билан қараш каби фазилатларни жамлаш гуманистик дунёқараш ҳисобланади.

Бу масаланинг ҳал этилиши таълимнинг технологиялашуви билан боғлиқдир. Педагогик технологиялар ижтимоий билимлар даражасига мутаносиб даражада шаклланиб бормоқда. «Педагогик технологиялар» бугунги таълим амлиётида кенг қўлланилаётган тушунча бўлиб, бу нафақат таълимда техник воситалардан фойдаланишни, балки таълим самарадорлигини ошириш, методлар ва материаллардан фойдаланишни лойиҳалаштириш, шунингдек қўлланилган методларни баҳолаш омилларини таҳлил қилиш орқали таълим жараёнини оптималлаштириш принципларини аниқлашни назарда тутди. Бунда педагогик жараённи бошқариш ва педагогик жараёнда ўқитувчининг фаолияти ва педагогик технологиянинг роли тўғрисида фикр юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотларида “...ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш” вазифалари белгиланган [1].

Таълим ҳаётдан илгари юриши лозим. Бу кўпчиликка маълум аксиома, аммо бу ҳозиргача декларациялигича қолмоқда. Қандай қилиб, таълим ҳаётдан ўзиб кетиши мумкин? Ҳали мавжуд бўлмаган нарсани ўқитиб бўлмаслиги аниқ. Бироқ, ўқувчига энг замонавий билимларни бериб, уларни концептуал масалаларни ҳал этишга йўналтириш мумкин. Айнан таълим концептуаллиги охириги маълумотлар билан қуролланган тизим сифатида янги, мукамал ечимларни излашга туртки беради.

Олий таълим муассасасини битирувчиси зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлиши, муайян фаолиятни амалга ошириши, амалий фаолиятда юзага келадиган зиддиятларни мустақил бартараф эта олиши, муносабатларга кириши олиши шарт. Бунинг барчасига шахсга йўналтирилган таълим-тарбия ёрдамида, таълим эҳтиёжи ва имкониятлари инobatга олинган ҳолда эришилади. Шахсга йўналтирилган ёндашув таълим тизимининг барча компонентларига таъсир кўрсатади.

Таълимни технологиялаштириш ва ахборотлаштиришнинг моҳияти шундаки, интеллектуал фаолиятнинг глобал интенсификациялашуви замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Шахсга йўналтирилган технологик таълимни асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- XXI аср учун турли даражалардаги таълим стратегиясини шакллантириш;
- педагог ва таълим олувчининг янги моделини яратиш, таълим жараёни субъектлариаро янгича педагогик муносабатларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

Педагогик технология – бу қатъий тартибли илмий лойиҳалаштириш ва аниқ қайта алоқани тиклаш бўлиб, педагогик ҳаракатлар асносида амалга ошириладиган ва муваффақият келтирадиган таълим жараёни лойиҳасидир. Педагогик технология илмий билимлар тизими сифатида таълим жараёнини оптималлаштириши лозим. Тарбия – бу жамиятда педагог иродаси ва ҳоҳишидан қатъий назар содир қилинадиган жараёндир. Шахс ривожини бир дақиқага ҳам тўхтамайди. Педагогнинг вазифаси шундан иборатки, у ўқув-тарбия жараёнини таълим олувчи шахсининг такомиллашувига йўналтирилши лозим, таълим олувчи мустақил инсоният тажрибаси ва маданиятини ўзлаштиришга интилиши керак. Агар тарбия узлуксиз тарзда маданиятга интилиш ва ҳар куни барча ҳаётини жабҳада маданиятни қайта яратиш бўлса, унда таълимнинг вазифаси шахсни шакллантиришдир, қайсики ривожланиш жараёнида ўз ҳаёт позициясини мустақил ярата олсин. Ҳаёт шаклланишининг турли кўринишлари билан танишиш таълим муаммоларини бартараф эта олмаслиги аниқ.

Шундай қилиб, таълим оловчи касбий фаолият билан ихтиёрый қизиқиб, фаоллик кўрсатиб ҳамкорликка киришса ривожланади, бу фаолликнинг табиати шахснинг субъектив эркин муносабати билан белгиланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон Халқига Мурожаатномаси – Т.: 29.12.2020
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори.
4. Шарипов Ш. “Таълим жараёнлари сифатини ошириш тайёрланаётган кадрлар бандлигини таъминлаш омили сифатида. <http://dr-sharipov.com>”